



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (13.897)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминлашдан туриб иқтисодий тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди.

Замонавий шароитларда электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергетикасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини таъқозо этмоқда.

Электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш бўйича вазибаларнинг амалий ижросини таъминлаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Мазмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазибаларни бажариш мақсадида:

1. Жаҳон банкнинг республика электр энергетика тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги, шу жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришни назарда тутувчи таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирли-

ги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг электр энергияни ишлаб чиқариш, етказиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил этишининг замонавий услубларига мувофиқ, қуйидагилар орқали "Ўзбекэнерго" АЖни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

б) "Ўзбекэнерго" АЖнинг тугатилаётган "Ўзэлектртармок" УК ва "Энергосетиш" филиали негизда қуйидагиларни амалга оширувчи "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятини ташкил этиш: республиканинг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

электр энергияни республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;

электр энергияни экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистрал ва ҳудудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги

корхоналардан электр энергиясини ягона хариб қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергияни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш;

в) электр энергияни яқини истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

г) "Ўзбекэнерго" АЖ таркибига кирувчи айрим хўжалик жамиятлари ҳамда корхоналарини 1-иловага мувофиқ қайта ташкил этиш ва тугатиш;

д) "Ўзбекэнерго" АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг соҳага оид бўлмаган ва фойдаланилмаётган активлари ва улушларини 2-иловага мувофиқ уларни кейинчалик 2019–2021 йиллар давомида белгиланган тартибда сотиш мақсадида баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки: янги ташкил этилаётган "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларининг дастлабки устав капиталларини шакллантириш 3–5 иловаларда кўрсатилган хўжалик жамиятлари устав капиталларидаги давлат ва "Ўзбекэнерго" АЖ активлари ва улушларини бериш ҳисобига амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ: ЖОЙЛАРДА БИР МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ФУҚАРО ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси томонидан ташкил этилган навбатдаги қабул давомида икки юзга яқин фуқаро шикоятларини тегишли орган раҳбарларига маълум қилди. Ушбу муурожаатлар қандай ҳал этилади? Бу эътиборимиз марказида бўлади.

Халқ билан мулоқотнинг муҳим воситасига айланган Президент Халқ қабулхонаси нафақат аҳолидан келаётган шикоят ва аризаларни қўриб чиқиш, уларда қўтарилаётган муаммо масалаларни тегишли органлар билан ҳамкорликда ҳал этиш, балки жойларда оммавий қабуллар ташкил этишни йўлга қўйган. Бундай қабулларда Президент маслаҳатчиси ҳамда аҳоли учрашиши зарур бўлган тузилмалар раҳбарларининг шахсий қабуллари ташкил этилмоқда. Бундай қабуллар давомида ўтган даврда бир миллиондан ортиқ фуқаро қабул қилинди, дея хабар беради УЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси томонидан Тошкент шаҳрида ташкил этилган навбатдаги оммавий қабулда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Ортиқхўжаев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов, Бош прокурор О.Муродов, адлия вазири Р.Давлетов, ички ишлар вазири П.Бобононов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Мусаев фуқароларни шахсан қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Ҳудойберганов фуқаролар муурожаатлари – халқнинг дарду таъшиши ва биринчи галда ҳал этилиши шарт бўлган масала эканига эътибор қаратди. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилаётган талаблардан энг муҳимидир.

– Одамлар кўп ҳолларда идорама-идора юриб, ўларини қийнаётган масалаларни ҳал қилолмай овора бўлмоқда, – дейди Т.Ҳудойберганов. – Шунинг учун барча энг зарур тизимларнинг раҳбарларини халқ ҳузурига олиб келдик. Бу имкониятдан унумли фойдаланинг.

Ички ишлар вазирлиги маданият саройида қабул учун ажратилган махсус хоналарда раҳбарларнинг бевосита қабули кун бўйи давом этди. Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев қабулга кирган С.Нисёзова 2018 йил 5 январда уйи бузилгани, шундан бери бола-чақаси билан ҳар ерда сарсон бўлиб яшаётганини маълум қилди.

Холбуки, Кўшқўрғон кўчасида истиқомат қилган бу аёлга уйини бузишдан олдин шаҳар марказидан 2 та уй берилиши ваъда қилинган.

Ж.Ортиқхўжаев бу борада ким масъул бўлгани, нега ваъда бажарилмагани билан қизиқди. Мулозимлар ҳар хил баҳоналарни келтирди. Ҳоким эса бу масала бугун ҳал этилиши кераклигини айтди. Оиласи катта бўлган, оилали икки ўғли бўлган бу аёлга ҳозирча 2 хонали уй берилиши, сал кейинроқ қурилатган қўшнидан 3 хоналиси берилиши маълум қилинди.

Ички ишлар вазири Пўлат Бобононовнинг фуқароларни қабул қилиш жараёнини кузатганимиз, соҳада ишлаб, турли сабаблар билан бўшаган собиқ ходимларнинг ишга тиклашни сўраб қилган муурожаатлари кўпчилигини ташкил этганига гувоҳ бўлдик.

Вазир ҳар бир муурожаатчининг синчковлик билан эшитиши баробарида ички ишлар органларида касбига садоқатли, фидойи кадрлар хизмат қилиши зарурлигига уруғ бериб ўтди.

Адлия вазири қабулгига келган ўнлаб кишилар ўз муурожаатларида уй-жой, иш билан таъминлаш, эгаллик ҳуқуқи, пенсия каби масалалар бўйича муаммоларини ҳал қилишда амалий ёрдам сўради.

Нотариуснинг масъулиятсизлиги, эгаллик ҳуқуқини ололмаслик, ишга киришда амалий ёрдам сўралган масалаларни адлия вазири

Р.Давлетов жойида ҳал этиш, одамларга амалий ёрдам бериш учун тегишли ходимларга шу ернинг ўзида зарур топшириқлар берди.

Ҳужжатлардаги битта ҳарф мос келмаслиги оқибатида неча ойлاردан бери сарсон юрган Насиба Зоҳидованинг иши ҳал бўлди, ҳисоб.

Хонадонини ўз дўстига сотиш ҳуқуқи асосида ишончнома орқали фойдаланишга берган, оқибатда уйдан айрилган фуқаронинг дardини эшитиб, вазир ўйлабиди қолди. Қўрқуна ўз ҳуқуқини ўзига топширган, ўзини ўз ҳуқуқидан маҳрум қилиб, надомат чекаётган кишининг ҳоли, албатта, жуда ачинарли. У қанчалик афсусланмасин, юқори идора раҳбарларига шикоят қилмасин, бари бефойда. Чунки йўқотилган ҳуқуқини энди тиклаш имконсиз. Шу каби буюролик бир аёлининг вафот этган ўғлидан қолган набиранларини 14 йилки кўра олмаётганидан ёзғириб кўз ёш тўкиши ҳам ҳуқуқ меъёрларига тўғри келмайди. Ахир ҳуқуқлар ўз вақтида керакли бўлганда бориб талаб қилингандагина у сизнинг манфаатингизга мослашади. Лекин айримлар ҳамон каттароқ раҳбарнинг олдида бориб "Адолат йўқ, қани ҳақиқат?" деб жанжал қўтариб ишмини ҳал қиламан, деб ўйлаб қаттиқ арашмоқда.

– Қабул давомида фуқароларнинг ҳуқуқий онги масаласида ҳали муаммолар борлигини онга маълум қилиш керак, – дейди адлия вазири Русланбек Давлетов. – Авваллари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган кўп иш қилинган. Аммо ҳуқуқий онг масаласи билан ҳал қилинган иш бўлмаган. Бугун айрим одамлар қайси идора қандай иш билан шуғулланишини билмасдан эшикма-эшик, идорама-идора сарсон бўлаётганини ўша беша ишлар махсуси, десак хато бўлмайди. Бугун ҳам ўнлаб кишиларнинг "сизнинг кўтариб келган масалангиз судга тааллуқли", деб уларни суд қабулига йўналтирди. Айрим кишилар эса "Йўқ менинг ишмини сиз ҳал қилиб беришингиз керак", деб туриб олаётгани эса ҳеч ақлга сиймайди. Мени қувонтиргани, қабулга келган айрим фуқаролар адлия тизими фаолияти билан боғлиқ камчиликларини рўй-рост айтиб, соҳани янада яхшилаш учун ўз таклифларини билдиргани бўлди. Биз буларни албатта инобатга оламиз.

Бош прокурор қабулига кирган уйи олиб қўйилган, еридан маҳрум бўлиб қолган, корхонасидан айрилган, бизнесидан жудо бўлган ўнлаб кишилар ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўради. Буларнинг бари, албатта, алоҳида ўрганиш талаб қилганда, текширув ўтказилиши шарт бўлган масалалар ҳисобланади. Шунинг учун барчаси назоратга олинди, тегишли масъул шахсларга қонуний ҳал қилиш учун топширилди.

"Бугунги қабулга одамлар асосан қандай шикоятлар билан келган, улар кўпроқ нимадан норози?", деган саволимизга Бош прокурор: "Бугунги қабулга шикоят қўтариб келган фуқароларнинг 90 фоизи суддан норози", деб жавоб берди. "Шикоятчиларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқатми?", деган саволимизга эса, у "Албатта, ҳаммаси ҳам, дея олаймиш", деди.

Қабул давомида прокуратура органларида ишлаётган, лекин қонун нормаларидан, этика қоидаларидан четга чиқибётган айрим ходимлар ҳақида шикоятлар тушди. Бундай фактлар юзасидан хизмат текширув ўтказиш ва қатъий чоралар кўриш бўйича шу ернинг ўзида топшириқлар берилди.

Норгул АБДУРАИМОВА

САЙЁР ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сергели туманидаги 21-мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтган навбатдаги сайёр қабулда уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш тизими, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига онд ва бошқа ижтимоий, иқтисодий, маиший масалалар бўйича қилинган муурожаатлар қўриб чиқилди.

"Эзгулик" МФИда яшовчи Гулноза Нурсатова "Сергели 8 А" мавзесидаги 16-уйдан 301-мактабгача йўлининг остидан ўтган "Сувсос" давлат унитар корхонасига тегишли бўлган қувурларни алмаштириш ва йўлни таъмирлаш масаласини ижобий ҳал этиш учун сайёр қабулга келганлигини билдирди. Шаҳар ҳокимининг топшириғига биноан тегишли ташкилотлар жорий йилнинг 15 апрелидан қувурларни янгилашга киришадиган бўлди.

Сайёр қабул давомида "Янги Сергели" МФИда яшовчи Мирсоли Нисёзов "Сергели 8" мавзесида жойлашган "Утопия" тунги клубининг иш

фаолияти аҳолини бевозта қилаётганини маълум қилди. У ерда тез-тез жанжал бўлиб туриши, ёшларнинг клуб олдида ўтиб-қайтишда муаммо туғилаётгани айтилди.

Шаҳар ҳокими Ж.Ортиқхўжаев мутасаддиларга ўша ҳудудда Патруль-пост хизмати назорат будкаси ўрнатиш чораларини кўриш, тадбиркор фаолияти аҳолига зарар келтирмаслиги кераклигини таъкидлади.

Сергели тумани, "Чоштепа" маҳалласи, 71-уйда истиқомат қилувчи Фани Ашуров шу вақтга қадар Узар кўчасининг ҳамма тор ва берк кўчаларида канализация қувури ўтказилмаганини айтиб сайёр қабулга муурожаат қилди. Бир қанча муурожаатлари жавобсиз қолган фуқаронинг муаммоси бу гал ўз ечимини топди.

"Чоштепа" маҳалласида узоқ йиллардан бери яшаб келаётган Раҳматилла Имомовнинг муаммоси шундаки, бир йил аввал унинг уйдан ташқари атрофидаги барча уй-жойлар бузилган. У ҳам

барча қатори уйи бузилишини ва янги жойдан уй олишни истади.

Яна бир фуқаро "Сергели 5" ва "Сергели 7" мавзелари орасидаги йўлга сувсифтор ўрнатиш масаласи юзасидан муурожаат қилди. Бу ерда светофор йўқлиги автохалокатлар юз беришига сабаб бўлган. Мутасаддилар бу ҳудудда жорий йилнинг учинчи чорагида светофор ўрнатилиши режалаштирилганини айтишди. Бироқ, Тошкент шаҳар ҳокимининг топшириғи билан бу ерда ўн кун ичида светофор ўрнатилиб, пиёдалар ўтиш йўлаги жорий этилган бўлди.

Мазкур сайёр қабул давомида 30 дан ортиқ фуқаролар муурожаат қилган бўлса, улар кўтарган масала ва муаммоларнинг 70 фоизи ижобий ҳал этилди, қолгани эса мутасаддиларга ўрганиб чиқиш учун тавсия этилди.

Сайёр қабуллар давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

Депутат фикри БАРКАМОЛ АВЛОД ЮРТНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ, аммо инсон тақдирини онага боғлиқ, деган гапда катта ҳикмат бор. Дарҳақиқат, келажақ авлоднинг баркамол инсон этиб тарбиялаш, ўлмас миллий қадриятларимизни кейинги авлодларга етказиш оналаримиз, тарбиячиларимиз ҳисобланган аёллар зиммасида. Шу боис ҳам онани келажақни яратувчи бунёдкор куч, деб таърифлаймиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунлардаёқ мамлакатда маънавиятни юксалтиришга катта эътибор берди. У кишининг илк ўрашуви ҳам зийлилар, маданият ва маърифат тарқатувчи устувор билан ўтганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ешларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, шубҳасиз, бугун долзарб масалалардан биридир. Бу масалани маънавияти юксак оналарнинг иштирокисиз ечиб бўлмайди. Чунки фарзанднинг илк тарбиячиси унинг онасидир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда аёлларга муносиб турмуш шароити яратилиши, улар ҳақида гами-хўрлик қилиш, қонуний манфаатлари, ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз сийбятсининг устувор вазифаси ҳисобланади. Кейинги икки йил ичида қабул қилинган ақсарият қонун, фармон ва қарорлар аёлни қадрлашга, ёъозлашга, ижтимоий ҳимоясини янада қучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда)



ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда юртимизда туризм салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги ижроси, шунингдек, мазкур соҳанинг яна бир йўналиши бўлган зиярат туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда соҳа раванқи йўлида қизгин ишлар бошланган. Жорий йилнинг 21-23 февраль кунлари Бухорода ўтказилган халқаро зиярат туризми форуми бу борадаги дадил қадамлардан. Унда 34 давлатдан 120 нафардан ортиқ хорижий вакилнинг иштироки уларнинг она заминимиздаги маданий-тарихий обидаларга бўлган катта қизиқишдан далолатдир.

– Анжуманда иштирокчиларга зиярат туризмни ривожлантириш бўйича батафсил маълумот бердик, – деди УЗА муҳбирига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг зиярат ва археологик туризмни ривожлантириш сектори бош мутахассиси Саидқомил Холхў-

жаев. – Негаки, биз айнан шу йўналишга катта эътибор қаратиб, хорижликларни жалб қилиш имконига эгамиш. Очигини айтиш керакки, хориж давлатларида зиярат туризми жуда яхши ривожланган. Масалан, Япония бу борада катта таърибга эга. Жумладан, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари учун визасиз тартиб жорий қилган. Аэропорт ва савдо масканларида улар учун барча қўлайлик яратилган. Маълумотларга кўра, бундай имкониятлар сабаб 2017 йилда муулмон мамлакатларидан бир миллиондан ортиқ сайёб Японияга келган. Албатта, бу каби халқаро таърибалар юртимизда зиярат туризмининг истиқболи учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда қўмита томонидан журналистларга Зиярат туризми гидлар клубини ташкил этиш, зиярат туризмининг ривож йўлида Сингапурнинг "Crescent Rating" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар борасида ҳам маълумотлар берилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнмали кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Анжон шаҳар Ешлар марказида "Таълим ва мутахассислик" XX халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Хитой, Малайзия, Латвия, Литва, Эстония сингари қатор давлатлардаги 10 дан ортиқ олий ўқув юрти ва таълим марказлари вакиллари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж битирувчилари, уюшмаган ешлар, уларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик иштирок этган тадбирда хориждаги олий ўқув юртлари, мавжуд мутахассисликлар,

ЖАҲОНДА

- Шаҳрихонда 40 ўринли "Шукрона" тиббиёт клиникаси фойдаланишга топширилди. Янги тиббиёт маюссасасида кардиология, неврология, травматология, жаррохлик бўлимлари мавжуд бўлиб, улар энг сўнги русумдаги тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.
- Еш тадбиркор, хунарманд-дизайнер, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ойгул Тожиддинова ўзи истиқомат қилаётган Избоскан туманидаги Обод маҳалласида "Aygul Tekstil" корхонасини ташкил этиб, 25 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.
- Мексиканинг Синилоу шаҳрида ўттиз олти ешли спорт журналисти Омар Камачонинг ўлдириб кетилиши юзасидан суриштирув-тергов ишлари бошланди. Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда мамлакатда журналистларни қўриқлаш тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилган бўлсада, 2013 йилдан буюн қалам соҳибларининг ўлими билан боғлиқ ҳодисалар сони йил сайин ортиб бормоқда. Яъни, бугунги кунда Мексика журналистлар ҳаёти учун энг хавфли мамлакатлардан бири ҳисобланади.

таълим олиш шартли ва имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҚ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг 2-иловада кўрсатилган активлари ва улушларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш баланси қўйилган давлат ва “Ўзбекэнерго” АЖ улушини камайтириш ҳисобига амалга оширилади;

активлар, акциялар пакетлари ва улушлар янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари уларнинг устас капиталда давлат улушини шакллантириш (ошириш) ҳисобига берилди;

“Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари устас капиталларида давлат акциялари пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сонли қарори билан ташкил этилган Электр энергетикаси тармоғини ислоқ қилиш бўйича комиссия ишчи органи сифатида бошқарув ходимларнинг чекланган штат бирликлари 20 нафардан иборат бўлган, бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошида Лойиҳа офиси” (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Лойиҳа офисига Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг электр энергетика тармоғини назорат қилувчи ўринбосари бошчилик қилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда:

ҳар бир тадбирни амалга оширишнинг аниқ мuddатлари ва ижрочиларини кўрсатиб ўтган ҳолда, шу жумладан, “Ўзбекэнерго” АЖнинг қайта ташкил этилган қороналарнинг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўтказиш н назарда тутилган ҳолда “Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

Лойиҳа офиси фаолиятини унинг таркибига электр энергетика тармоғини ислоқ қилиш соҳасидаги халқаро ва маҳаллий экспертлар ҳамда мутахассисларни жалб этиш орқали ташкил қилишни таъминласин;

2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

2019 йил 1 майга қадар – энергия ресурсларининг таннархини пайсантириш ва йўқотишларни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)ни, шунингдек, уларга эришишнинг бошқича-бошқич механизмида кўрсаткичлар ҳолда 2019-2020 йилларда “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар – ресурсларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизимини (ERP) диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA)ни жорий этиш, шунингдек, электр энергияни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ)ни жорий этиш бўйича лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш ишларининг аниқ тадбирлари, мuddатлари ва молиялаштириш манбаларини назарда тутилган ҳолда 2019-2021 йилларда электр энергетика тармоғини рақамлаштириш бўйича комплекс дастури;

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар – 2020-2030 йилларда мамлакатнинг ёқилғи-энергетика таъминоти концепциясини (кейинги ўринларда – Концепция);

Концепция қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мuddатда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Осий тараққиёт банкнинг техник кўмаги – иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергияга бўлган истиқболдаги талаб-эҳтиёжлари прогнозларини инобатга олган ҳолда 2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ҳамда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларига аниқликлар ва қўшимчалар киритсин;

Курилиш вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари, консалтинг компаниялари, ихтисослаштирилган лойиҳа институтларининг техник кўмагида 2019 йил 1 декабрга қадар – илгор жажон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда электр энергетика объектларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация қилишни техник бошқариш соҳасида курилиш нормалари ва ҳидаларини, стандартларини, норматив ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Молия вазирлиги Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт

ва саноат вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ва консалтинг компанияларининг техник кўмагида 2019 йил 1 майга қадар электр энергия тарифларини белгилаш методологиясини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда эксплуатация, операция ва инвестицион сарф-харажатлар тўлиқ қопланишини, шунингдек, электр энергетика тармоғи қороналари рентабеллигининг чегараланган нормаси белгиланиши назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги уч ой мuddатда белгиланган тартибда:

“Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг устас капиталлари шакллантирилишини ва уларнинг таъсис ҳужжатлари тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларига зарур тажриба ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий мутахассислар жалб этилишини таъминласин.

9. Белгилансинки:

ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган активларини сотишдан тўшадиغان маблағлар Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича жамғарма тасарруфига қолдирилган маблағлар бундан мустасно бўлган ҳолда “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг устас капиталига давлатнинг ҳиссаси сифатида қўйилади ва ушбу маблағлар иссиқлик электр станциялари ва электр марказлари томонидан жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) кредитларини “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг улушини уларнинг устас капиталларида кўпайтириш ҳисобига сўндиришга мақсадли йўналтирилади;

мазкур қарорга мувофиқ ҳўжалик жамиятларининг бир ташкилотдан бошқа бир ташкилотга ўтказилган мулк, мулклик ҳўқуқлари, жумладан, устас капиталдаги акциялари ва улушлари қиймати, шу жумладан, уларни қайта ташкил этиш ва тўғатиш чоғида солиққа тортишининг барча турлари бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва янги ташкил этилган “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг “Ўзбекэнерго” АЖ тузилмасидаги ташкилотларга қарашли юридик шажлар акцияларининг 50 фоизи ва ундан кўпроғига эгаллик қилганда мазкур ташкилотларнинг қайта ташкил этилиши янгида сотиб олинган акциялар пакети деб ҳисобланмайди;

янгида ташкил этилган “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг устас капиталларини шакллантириш акциядорлик жамиятларининг устас капиталларига қўйилаётган мулкнинг баланси қиймати бўйича амалга оширилади, кейинчалик мазкур мулкнинг баланси ва бозор қийматлари ўртасидаги тафовут уларнинг устас капиталларига киритилмайди;

“Ўзбекэнерго” АЖнинг амалдаги шартномалари бўйича ҳўқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан, “Ўзбекэнерго” АЖ “Энергосотиш” филиалининг электр энергияни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ дебитор ҳамда кредитор қарздорлиги, ушбу қарорнинг 15-бандида назарда тутилганларидан ташқари, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ тасарруфига ўтади.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг “Қишлоқэнергобойиҳа” АЖ неғизида инновацион технологиялар ва ҳозирги замон илм-фани ютуқларини қўллаган ҳолда 0,4 кВдан 500 кВгача қулинадиган барча тилдаги электр тармоқларини лойиҳалаштиришга замонавий кўп тармоқли “Ўзнергоинжиниринг” АЖ лойиҳа ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда “Ўзнергоинжиниринг” АЖни замонавий техника ва ҳисоблаш воситалари, аппарат дастурий маҳсулотлари билан қўшимча жиҳозлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари, шу жумладан, грантлари ва қарз маблағлари жалб этилишини назарда тутовчи “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Истисно тариқасида, 2021 йил 1 январга қадар: “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотларга – “Ўзбекэнерго” АЖ таркибидан чиқариладиган, шунингдек, унинг тузилмасига киритилган ҳўжалик юритувчи жамиятлар билан ҳизматлар кўрсатиш (ишларни баҳарий) юзасидан;

иссиқлик электр станциялари ва электр марказларига – Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳўзуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертизадан ўтказиш маркази” ДУКда экспертизадан ўтказилган техник топшириқларга мувофиқ таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун зарур эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни харид қилишга уларнинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда тайёрловчи қилиш тақлиқланди. Шунингдек, ушбу ҳўжат асосида Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар генидер тенглигини ҳисоба этиш бўйича комиссия ҳам тузилди.

Тажриқлаш керакки, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳўқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ижодкорлиги ҳам қизгин давом этади. “Эркак ва аёллар учун тенг ҳўқуқлар ва имкониятлар қаролатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни

даги ажримларнинг олдини олувчи омиллардан саналади. Ишли аёл рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшади. Шу маънода, бугун жамоат фондининг маблағлари айнан аёллар бандлигини таъминлашга йўналтирилмоқда.

2019 йил 7 мартда Президентимизнинг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳўқуқлари кафолатларини янада қучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз рива этилишини таъминлаш, меҳнат ҳўқуқини кафолатлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга кенг имкониятлар яратди.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддасида пенсия ёшига етган фуқаро билан меҳнат шартномаси иш бевуви томонидан бекор қилиниши мумкин эди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига биноан эса аёл 60 ёшга тулғунча иш бевувининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор

қороналар билан ҳар йили амал қилиш мuddати бир календарь йилидан ошмайдиган мuddатга тўғридан-тўғри шартномалар тузишга руҳлат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Жамғарманинг “Ўзбекэнерго” АЖнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун илгари назарда тутилган 318,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi Жамғарма маблағларидан фойдаланишни лойиҳалар кўйиматини оптималлаштириш ҳамда уларни 6-иловага мувофиқ халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган қарз маблағларига алмаштириш ҳисобига қисқартириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

13. “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари:

эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатида олиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳўжатларни қўриб чиқиш учун йиғимлар;

қайта ташкил этилган ташкилотларнинг топширилган автотранспорт воситаларини қайтадан рўйхатга олишда автотранспорт йиғимлари тўлашдан озод қилинсин.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

қуввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиладиган саноат қороналарини куриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар республика ҳудудларида жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда фақат Энергетика вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади;

хусусий инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилган мушакил ишлаб чиқарувчилардан электр энергияни харид қилиш танлов асосида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган лойиҳалар бундан мустасно) ҳосил қилинаётган электр энергиянинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

15. Белгилансинки: инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдирish учун “Ўзбекэнерго” АЖга берилган кредитлар ва қарзларни “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибига кирувчи қороналарга, шунингдек, “Ўзбекўмир” АЖга қайта расмийлаштириш 7 ва 8-иловаларга мувофиқ амалга оширилади;

“Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг “Энергосотиш” филиалининг “Ўзбекэнерго” АЖ ҳамда 9 ва 10-иловаларга мувофиқ унинг таркибига кирувчи жамиятлар томонидан жалб этилган кредитлар бўйича кафиликларни белгиланган тартибда “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари”, “Худудий электр тармоқлари” ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятларига қайта расмийлаштирилиши лозим;

“Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари “Ўзбекэнерго” АЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан, иссиқлик электр станциялари ва электр марказларида, худудий электр тармоқлари қороналарида, “Ўзэлектротармоқ” УҚда лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ҳамда 11-иловага мувофиқ, қайта ташкил этилган санада унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган активлари ҳамда мажбуриятларининг ҳўқуқий ворислари ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзғаришларга мувофиқ:

тижорат банклари ва Жамғарма билан биргаликда “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредит мажбуриятларининг янгида ташкил этилаётган “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи қороналарга қайтадан расмийлаштирилишини таъминласин;

“Ўзбекэнерго” АЖнинг мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартириш киритсин.

17. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар республикада фойдаланилаётган электр энергетика объектлари учун ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – энергетика вазири А.С.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 март

Хабарлар

ТАВСИЯ ВА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини муҳокама этиш, фуқаролар бандлиги, турмуши ва муаммоларининг ечимига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда юртбошимизнинг “Ҳар бир раҳбар одамларнинг дардида гулоқ солиши, муаммоларини ҳал қилиши, бир сўз билан айтганда, уларни рози қилиш ташвиши билан ишлаши керак” деган сўзлари дастуруламал қилиб олинди.

Йиғилишда мутасаддилар маҳаллаларда уйма-уй юриш, хонадонлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини топиш, бунда айниқса жазо мuddатини ўтаб, озодликка чиққан шахсларнинг жамиятга соғлом мослашувини ташкил этиш, оғирини енгил қилиш ва иш билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, адашганларни тўғри йўлга бошлаш, жамият ҳаётида ўз ўрнини топишни таъминлаш давлат бошқарув органлари ва жамоатчиликнинг бевосита вазифаси эканлиги таъкидланди.

Хусусан, йиғилиш доирасида Бандлик бош бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашлари ва маҳалла фуқаролари йиғинлари ўзаро ҳамкорликда банд бўлмаган шахсларни мавжуд бўлиш иш ўринлари билан таништириб, фойдали меҳнатга йўналтириш юзасидан аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилди.

ТЕЗ КУНЛАРДА “СОЙ БЎЙИ” САЙИЛҒОҲИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ

Олмазор туманидаги Қорасарой кўчасидан Тараққиёт кўчаси бўйлаб то Келес йўли кўчасигача бўлган “Дамаш” каналининг қирғоқ бўйи ҳудудида “Сой бўйи” сайилғоҳини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, сайилғоҳ ҳудудида аҳолининг дам олиши ва сайл қилиши учун мўлжалланган кўнгличор хибоблар ташкил этилади, умумий оқватини шохобчалари, маший хизмат кўрсатиш муассасалари қурилади. Нуронийлар учун алоҳида маскан, кутубхона, дунёга машур иншоотларнинг кичик макетлари ҳамда ўзига хос меъморий ечимга эга бошқа бунёдкорлик намуналари ҳам бунёд этилади.

ЭСКИРГАН ЛИФТЛАР ЯНГИЛАНАДИ

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларга янада қулайликлар яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиламоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахтдаги турар-жой объектларидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, жорий йилда кўп қаватли уй-жойларга замонавий лифтларни ўрнатиш ишлари амалга оширилади. Лифт ускуналарини ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан кўп қаватли уй-жой фондида лифт ускуналарини тармоқ жадалви асосида белгиланган мuddатларда етказиб бериш, мазкур ишларни молиялаштириш учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан 23 884,4 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Маълумот учун, жорий йилнинг сентябрь ойига қадар Тошкент шаҳридаги 132 та эскирган лифтар “Ташафус” қоронаси томонидан ишлаб чиқарилаётган янги замонавий лифтларга алмаштирилади.

Мазкур ишларни амалга ошириш 1 апрель кунидан бошлангани кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ҚИСКА САТРЛАРДА

Юнусобод туманида 120 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли ўзига хос дизайнга эга турар жой мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тошкент молия институтини Малайзиянинг Байнерий университети билан ҳамкорликда “Binary Graduate School” қўшма факультети очилди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида халқаро ва маҳаллий дизайнер иштирокида “Uzbekistan Fashion Week” халқаро модальар намоиши ташкил қилинди.

Шахримизда 61 та замонавий санитария-гигиена шохобчаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Тошкент метрополитенининг барча бекатларида электрон тўловлар жорий қилинади.

БАРКАМОЛ АВЛОД ЮРТИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

таъйик ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 19 март кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида болаларимиз тарбиясида эътибор қаратишимиз зарур бўлган вазифаларни яна бир бор ёдимизга солди. Давлатимиз раҳбари ушбу видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборини қучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда аж-борот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртаси-

да китобхонликни тарғиб қилиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан бешта йўналишда ташаббус кўрсатиб, муҳим вазифани белгилаб берди.

Мазкур вазифалар мағзини чаққан ҳар киши бир нарсани аниқ англаб етди: юрт ва жамият ривожига гоят аҳамиятли бу ташаббус ёшларни жисмонан бақувват, руҳан тетик этиб тарбиялаш учун уларни спорт тўғрисидаги бошқа боришимиз, юрагидан китобга ҳавас уйғотиб, ўзимиз китобхонликда намуна бўлишимиз талаб этилади. Ахир, шу кўзумчоқ болаларимиз эрта-да спортда, фанда, санъатда дунёни забт этса, унинг билими, одобига дунё ҳавас қилса, шу бизнинг бахтимиз, шу бизнинг фахримиз...

Ана шундай дунё тан оладиган, ҳавас қиладиган ўғил-қизларни тарбиялашга эса асосан биз – аёллар масъулмиз. Биз яна аёлни эъзозлайдиган, юртга таянч бўладиган марди майдонларни воёга етказишга бурчлимиз.

Бугун мамлакатимизда ислохотлар шиддат билан давом этаётган. Биз тарбиялаётган фарзандларимиз ҳам ана шундай шахд ва шиддат билан бунёдкорлик ишларига қамарбаста бўлади. Ниятимиз ҳам аслида шундай.

Комила КАРОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

НАВРЎЗИ ОЛАМ БОННДА НИШОНЛАНДИ

Ўзбек халқи маданияти, урф-одатлари ва анъаналари билан хорижликларни таништириш, юртимизга чет эллик сайёҳларни кенг жалб этиш ҳамда Европада яшаб, тахсил олаётган ватандошларимиз билан доимий алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларни юртимизда амалга оширишга қўйилган ташаббуслар билан таништириб бориш доирасида Германиянинг Бонн шаҳрида Олмония – Ўзбекистон дўстлик жамияти билан ҳамкорликда Наврўзга бағишланган маданий-ахборот тадбири ташкил этилди.

Тадбирда Бонн шаҳри мэрияси, шаҳар жамоатчилиги ва тадбиркорлик доиралари вакиллари, шунингдек, ўзбекистонлик юрдошларимиз иштирок этишди.

Тантанали очилиш маросимида сўз олган Бош консулхона вакили иштирокчиларни Наврўзи олам билан табриклаб, мамлакатимизнинг замонавий ривожланиши, Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий-иқтисодий ислохотлар, уларнинг натижалари, хусусан, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат чора-тадбирлари ҳақида батафсил маълумот берди. Хорижда яшаб тахсил олаётган ўзбек ватандошлар учун яратилаётган қулайлик ва имкониятлар айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, Бонн шаҳридаги Олмония – Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси Колин Дюркел ўзбек-немис дўстона муносабатларининг барқарор ривожланиши ҳамда мамлакатимизда сиёсий-иқтисодий соҳаларда сўнгги пайтларда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапириб, Ўзбекистон ва Германия ҳукуматларининг икки ва кўп томонлама алоқаларни изчиллик билан ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлари халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашда

муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтди.

Германиялик жамоатчилик вакили йиғилганларни баҳор айёми билан табриклаб, Ўзбекистон халқига юртимизда кенг миқёсда олиб борилаётган ислохотларда бардавонлик ва улкан зафарлар тилаб қолди.

Байрам тадбири давомида юртимизда Наврўз байрамини кенг нишонлаш бўйича анъаналарни ҳамда сайёҳлик имкониятларимизни кўрсатувчи фото ва видеопанорама намойиш этилди, республикамиз туристик салоҳиятига оид брошюралар, тарқатма материаллар ва халқ амалий санъати асарлари бурчаги ташкил этилди.

Бизнинг Германиядаги муҳбиримиз бир қатор иштирокчилар билан суҳбат қилди ва уларнинг таассуроти билан танишди.

Грегор Бергхорн, Германия академик алмашинувалар хизмати эксперти, Олмония – Ўзбекистон дўстлик жамияти аъзоси:

– Ўзбек халқининг миллий байрами – Наврўз муносабати билан ташкил этилган бугунги тадбирда иштирок этиш мен учун катта шарафдир.

Бу каби тадбирлар биз хорижликларда катта қизи-

қиш уйғотади. Чунки унда бутун халқларнинг тарихи, маданияти-ю урф-одатлари билан яқиндан танишишга имконият мавжуд.

Тадбир давомида берилган маълумотлардан келиб чиқиб менда Наврўзи Ўзбекистонда, байрамнинг асл ватанида нишонлашга иштиёқ пайдо бўлди. Уйлайманки, яқин келажақда юртингизнинг машҳур шаҳарлари – Бухоро ва Самарқандга ташриф буюриб, ушбу баҳорий байрамни нишонлаш менга ҳам насиб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига янги йилда омад, соғлиқ ва саломатлик тилайман. Ишонманки, Ўзбекистон ҳукуматининг ҳозирги кунда фаол олиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлари яқин келажақда, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради.

Камолиддин Ўрмонов, Бонн университети талабаси, ўзбекистонлик ватандош:

– Бугун биз Олмония – Ўзбекистон дўстлик жамияти ва Франкфурт-Майн шаҳридаги ўзбек Бош консулхонаси билан биргаликда миллий байрамимиз – Наврўзини нишонламоқдамиз.

Мазкур тадбирга кўпгина германиялик ва ўзбекистонлик иштирокчилар таклиф этилганлиги ва уларнинг юртимиз анъаналари, урф-одатлари билан яқиндан таништирилиши таҳсинга лойиқдир.

Айтишим керак, Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари Германияда яшаётган биз ёшлар учун доимий тарзда бу каби тадбирлар, учрашув ва ахборот кечалари ташкил этиб, юртимизда бўлаётган сиёсий-иқтисодий жараёнлар билан таништириб келишмоқда.

Аминманки, бу каби саъй-ҳаракатлар хорижда таҳсил олаётган юрдошларимизнинг ватанимиз билан доимий алоқада бўлиб туришлари ва эртанги кунга бўлган ишончларининг ортисида муҳим омилдир.

Шу ўринда барча юрдошларимизни Германияда яшаётган ўзбек талабалари номидан Наврўз байрами билан табриклайман! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

**“Дунё” АА
Бонн-Франкфурт-Майн**

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Бугунги глобаллашув суръатлари ортаётган, халқаро рақобат кучаяётган, ахборот технологиялари жадал ривожланаётган, Фарб оммавий маданияти тез тарқалаётган шароитда она тилимизни, миллий менталитетимизни, маънавий қадриятларимизни ва маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода Маънавият ва маърифат маркази Яққасарой туман бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими томонидан баҳорги таътил пайтида вояга етмаган ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида туманда жойлашган барча умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий семинар-тренинг машғулотлари, спорт мусобақалари ташкил этилган эътиборга лойиқ иш бўлди.

Хусусан, 100, 160, 135-умумтаълим мактабларида ўтказилган турли туман тадбирлар вояга етмаган ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу тадбирларни амалга оширишда Яққасарой тумани ҳокимлиги то-

монидан байрам дастурхонлари, “Кофе брейк”лар уюштирилди. “Ўқувчиларни ҳаётий мақсадларга тайёрлаш” мавзусидаги психологик тренинглар, “Менинг танловим!”, “Мен ўз касбимни танладим. Сенчи?” мавзусидаги семинар-тренинглар қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Уюштирилган тадбирлар, “Соғ танда – соғлом ақл” спорт мусобақалари голиб ва совриндорларига Маънавият ва маърифат маркази Яққасарой туман бўлими томонидан “Маънавий тарбия” номли китоблар топширилди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлари-

дек, “Биз ёшлар билан кўпроқ гаплашиб, уларнинг қалбига қулоқ солиб, дардини билиб, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак”. Дарҳақиқат, ёшлар билан маънавий-тарбиявий ишларни, турли мавзулардаги баҳс-мунозарали семинар-тренингларни ўтказиб, улар билан қанчалик кўп бирга бўлсақ, билим ва қўникмаларини оширсак, келажақда юртимиз янада раванк топади, Ўзбекистондан кўплаб буюк шахслар етишиб чиқаверади, – дейди биз билан суҳбатда Маънавият ва маърифат маркази Яққасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Усупов.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Ўзбекистон иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда янгиланиш ва тараққиётнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлини таналади.

Мамлакатимиз улкан ютуқларга эришмоқда. Ватанимизда соғлом, осойишта ижтимоий муҳит, сиёсий барқарорлик вужудга келиб, фуқароларга ўз қобилият ва истеъдодларини намойиш қилиш учун барча шароитлар яратилди. Олиб борилаётган изчил ташқи сиёсат давлатимизни дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилишини, халқаро майдонда обрў-эътиборини ортиб боришини таъминляпти.

Коррупция – ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига зарар етказиши, давлатнинг конституциявий асосларини ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради, қонун устуворлигини заифлаштириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий тарзда бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари белгиланган, яъни улар қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқароларнинг жамиятнинг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ҳамда жавобгарликнинг муқаррар-

лигидир. Шунингдек, бу қонун бугунги кунда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самардорлигини ошириш, давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтиришга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Республикамизнинг барча тармоқлари қатори “Ўздавэнегрогазорат” инспекцияси томонидан коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. 2018-2019 йиллар давомида коррупцияга қарши курашиш тадбирлари бўйича комплекс режа ишлаб чиқилган бўлиб, инспекциянинг барча ходимлари бўйича доимо тушултириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар чорак якуни бўйича ушбу комплекс режа асосида инспекцияда коррупцияга қарши курашиш доимий комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, инспекция ходимлари ўртасида коррупцияга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда.

**Бахтиёр ХОЛМАТОВ,
“Ўздавэнегрогазорат” инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори**



Анжуманлар

ТЕАТР ҲАФТАЛИГИ

Пойтахтимиз театрларида Наврўзи байрам тўғрисида “Театр томошалари ҳафталиги” доирасида спектакллар намойиши бўлиб ўтди. Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжумани ушбу лойиҳанинг илк натижаларига бағишланди.

Матбуот анжуманида Президентимиз томонидан миллий маданиятимиз ва санъатимизни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамхўрлик янгидан-янги ижодий ташаббусларга тўлиб бораётганлиги таъкидланди.

Халқаро театр кунига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан 21-27 март кунлари юртимиз бўйлаб “Театр томошалари ҳафталиги” муваффақиятли тарзда ўтказилди.

Ҳафталик доирасида ўтказилган ижодий учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар, тақдирот ва спектакллар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ушбу ҳафталик томошабиннинг театрга меҳрини, санъат фидойиларининг эса доимий изланишини амалда ҳам тасдиқлаб берди. Ҳафталик оддий томошабинни театрнинг муҳлисига айлантира олади десак асло муболага бўлмайди.

Кўпгина спектакллар икки уч ва ҳатто ундан ҳам кўп марта тақдоран қўйилиши, намойиш этилаётган спектаклларнинг ютуғи ва муваффақиятини яна бир бор кўрсатиб берди.

– Ҳафталик барча театр ижодкорлари учун чинакам байрам бўлди, – дейди Ўзбек Миллий академик драма театри директори Фатхулла Маъсудов. – 540 ўринли театримиизга 800-900 нафар томошабинлар ташриф буюрди. Улар фойеда ўзлари севган ва ёқтирган актёр, актрисалари билан суратга тушишга ҳам муваффақ бўлди. Илгари эса бу мумкин эмас эди. Ҳар бир спектакль катта қизиқиш, эътибор ва олқишлар билан кутиб олинди.

Ҳафталикда одамларнинг театрларга ёпирилиб келаётгани, театр олдидидаги узундан-узун навбатлар санъаткорларга ижод завқи ва масъулиятни нечоғлик баландлигини яна бир қарра эслатаётган бўлса, томошабинларга барча театрларнинг ҳодимлари тинимсиз изланишда эканлигини кўрсатиб берди.

Бу жараён мамлакатимиз ҳаётидаги илк ҳафталик шунчаки текин томошалар туркуми эмас, балки йирик маданий-маърифий акция сифатида кўтаринки ва байрамона руҳда юқори савияда ўтказилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

“101”

БЕПАРВОЛИК – УМР ЗАВОЛИ

Ҳамшаҳарларимизга ёнғин чиқмаслиги учун жойларда тозалаш ишларини кучайтириш лозимлигини эслатиб ўтмоқчи эдик.

Кўчаларда йиғилиб қолган ўтлар, маиший чиқиндилар ва шох-шаббаларни ўз вақтида олиб ташлаш, болаларга эҳтиёткорликни ўргатиш ва ўчмаган сигарета қолдирини ҳар ерга, айниқса тез аланга олувчи нарсалар бор жойга ташламаслик даркор. Шундангина биз осойишталигимизга раҳна солувчи хавфни камайитиришга эришамиз.

**Равшан ЯҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ
инспектори, катта лейтенант**

Ўзингизга маълум газ ва электр жиҳозларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида ёнғин келиб чиқади.

Афсуски, ҳодимларимиз томонидан қатор ибратли ишлар олиб борилаётганига қарамай, турли сабабларга кўра ёнғинлар содир бўлмоқда. Улар соғлигимиз, фарзандларимиз келажақига салбий таъсир этмаслиги учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олишда фаол курашишимиз зарур. Шунингдек, нохушликларнинг олдини олиш учун ўзимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишимиз билан бирга болаларимизга ўргатишимиз лозим.

**Фаррух ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси биносини ёнғиндан муҳофаза
қилувчи ЁХБ бўлими бошлиғи, майор**

Корхона ва ташкилот бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш жуда муҳим.

Бу билан биз катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Айниқса иситиш ёки электр тизимлардаги, печка мўрилардаги арзимасдек кўринган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик даркор. Шунингдек, ёниб турган газ ёки электр плитасини қаровсиз қолдириш, бошқаришни болаларга ишониб қўйиш ҳам хавфсизлигингизга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутманг.

**Абдурахмон АБДУХАЛИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси биносини ёнғиндан
муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори**

Содир бўлган ёнғин ўз-ўзидан ва сабабсиз бўлмайди. Корхона-ташкilotлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозлик ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Ўзингиз ва яқинларингиз ҳаёти, кўп йиллик меҳнат ва машаққатлар эвазига тикланган уй-жойингиз ҳамда мол-мулкнингизни ёнғин баъосидан асрайман десангиз, қоидаларга қатъий риоя қилинг.

**Отабек АҚРОМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ инспектори, лейтенант**

Ёнғин – тезлик билан тарқалувчи, инсонлар ҳаётига катта хавф солувчи офат. Шу боис ҳам унинг олдини олиш, ўзимиз, фарзандларимиз, хонадонимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун ҳамisha хушёрликни кўлдан бермаслигимиз керак.

“Бепарволик – умр заволи” деган нақл бежизга айтилмаган. Шундай экан ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларга эътиборсиз ва бепарво бўлмайлик.

**Зокиржон БОЙМАТОВ,
Йунусобод тумани ЁХБ инспектори,
катта сержант**

Ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир қисми. Бу эса ҳамisha ҳамма ерда масъулиятли бўлишини талаб этади.

Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ердаги моддий бойликлар ёниб, қулга айланади. Энг ачинарлиси эса “тилсиз ёв” сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин.

Бу борадаги нохушликларнинг олдини олиш учун аҳоли орасида ёнғинга қарши курашиш кучайтириш бўйича учрашувлар ўтказиб, оммавий ахборот воситалар орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Эржан СУГУРБАЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант**

Ёнғинга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш масалалари фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки барчанинг инсонийлик бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

Бунинг учун, энг аввало, фарзандларимизни ёнғин келиб чиқиши сабабларидан воқиф қилиш, ушбу кўнгилсиз ҳолатнинг юзага келишининг олдини олиш борасида мунтазам равишда турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришимиз керак. Қундалик ҳаётимизда олов ҳамisha ҳамроҳ экан, унга асло бефарқ бўлмасдан, доимо эҳтиёткорлик билан фойдаланайлик.

**Шерали ХАЛИЛОВ,
Йунусобод тумани ЁХБ кичик инспектори,
сафдор**

Ёнғин хавфсизлиги, унинг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар, суҳбат ва учрашувларни барча жойларда амалга ошириш фойдалан холи бўлмайди.

Бунинг учун ота-оналар ва катталар ушбу масалага ўзини доим масъул деб билсалар мақсадга мувофиқ, Мана шундангина турар жойлар ва турли ташкилотларда ёнғин билан боғлиқ салбий ҳолатлар юз бермайди.

Юртимиз фуқаролари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини сурайди, ёнғин асоратлари кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Шерзод САДЕНОВ,
Яшнобод тумани ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

РЕКЛАМА ВАН ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бокўча даҳаси, 5-уй, 30-хонадон эгаси Раҳматов Одил Шайрипович номига Шайхонтохур тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқланганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Республикамизда турли соҳа вакиллари ўртасида спорт мусобақалари, спартакиадалар доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

— Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги “Ёнғин хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологияларни кенг жорий қилиш билан бирга тизим ходимларининг касб маҳоратини ошириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди Ёшлар инттифоқининг Ёнғин хавфсизлиги институтдаги бошланғич ташкилот етакчиси Рустам Чориев. — Дарҳақиқат, ҳар бир ходимнинг фаолиятида жисмоний ва интеллектуал имконияти муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти спорт мажмуасида ходимлар ва курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида соҳавий хизматлар тингловчилар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш аънаёнага айланаиб улгурган. Худди шундай спорт тадбирлари Наврўз умумхалқ байрами арафасида ходимлар ўртасида ўтказилди. Жумладан, спортнинг миллий кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, енгил атлетика, стол теннис, волейбол, шахмат, шашка турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда ходимлар фаол иштирок этди.

Спорт тадбирларини ўтказишдан асосий мақсад ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларни жисмоний ва жанговар тайёргарлигини такомиллаштириш, спорт турларини оммалаштиришдан иборат.

Натижаларга кўра спортнинг миллий кураш тури бўйича етти нафар голиб аниқланди.

Натижаларга кўра спортнинг миллий кураш тури бўйича етти нафар голиб аниқланди.

Стол теннис мусобақасида капитан Л.Камолов биринчи ўринни, 2-босқич курсанти Т.Турсунов иккинчи, майор С.Султонов учинчи ўринни эгалладилар.

Тош кўтариш мусобақасида 4-босқич курсанти Ф.Бозоров 101 маротаба кўта-

риб, ўз маҳоратини кўрсатиб биринчи ўринни кўлга киритди. 5-босқич курсанти А.Алижонов 100 маротаба кўтариб, иккинчи, 4-босқич курсанти М.Рахмонов 91 маротаба кўтариб, учинчи ўринга сазовар бўлдилар.

Футбол мусобақаси 2-босқич жамоаси биринчи, 4-босқич жамоаси иккинчи, 1-босқич жамоалари учинчи ўринларга лойиқ эканлигини намоён қилдилар. Футбол мусобақаси низомининг шартларига асосан номинациялар бўйича “Энг яхши тўпурар” М.Эркинов, “Энг яхши ўйинчи” Ж.Олимжонов, “Энг яхши дарвозабон” Ф.Йўлдошев, “Энг яхши ҳимоячи” Ф.Ибрагимовлар деб топилди.

Волейбол мусобақасида 2-босқич жамоаси чақонликларини намоён қилиб биринчи, 5-босқич жамоаси иккинчи, 4-босқич жамоалари учинчи ўринларга муносиб кўрилди.

Мусобақаларнинг якунига кўра, голиб жамоалар ИИБ раҳбарияти томонидан эсдалик совғалар, диплом ва медаллар билан тақдирланди.

Шунингдек, ИИБ марказий аппарати, унинг тасарруфидоги олий таълим муассасалари, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилоят ИИБ ҳамда яна бир қатор соҳавий хизматлардаги ходимлар иштирокида мини-футбол бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.

Икки кун давом этган мазкур беллашув кизгин тарзда кечди. Натижаларга кўра баҳсда Ёнғин хавфсизлиги институти иккинчи ўринни кўлга киритиб, ИИБ Бирлашган касаба уюшмалари кўмитаси томонидан қўimmatбахо совғалар билан тақдирланди.

Бундай тадбирлар ходимларнинг касб маҳорати, билим савияси ва жанговар тайёргарлигини янада ошириш, ходимларга яратилаётган шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Акмал АМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги институти
ходими, майор



Футбол янгиликлари

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗ – САРАЛАШ ТУРНИРИ ФОЛИБИ

Тошкент шаҳри мезбонлигида футбол бўйича 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталарида таркиб топган олимпия терма жамоалари ўртасида уюштирилган қитъа биринчилигига саралаш турнири “F” гуруҳи баҳслари ниҳоясига етди.

Саралаш турнирининг “F” гуруҳидан ўрин эгаллаган Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз ушбу турнирда Тожикистон, Ҳиндистон ва Покистон олимпия терма жамоаларига қарши майдонга тушиши керак эди. Лекин Покистон олимпия терма жамоаси мусобақага келмади. Дастлабки баҳсни Любинко Друлович бош мураббийлигидаги олимпиячиларимиз Ҳиндистонлик чарм тўп усталарига қарши ўтказишди. Ҳамюртларимиз устунигида кечган учрашув 3:0 ҳисобида Друлович шогирдларининг ишончли галабаси билан

туғади. Ҳиндистонликлар дарвозасини Ислом Қобиров (пенальти), Бобур Абдуллоқов (2 та) аниқ нишонга олишди.

Тожикистон — Ҳиндистон терма жамоалари баҳси 2:0 ҳисобида ён қўшни миз галабаси билан якунланди.

Гуруҳ голиблги учун майдонга тушган Ўзбекистон ва Тожикистон олимпия терма жамоалари баҳси 0:0 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этди.

Турнир якунида 2 та учрашувда 4 тадан очко жамғарган Ўзбекистон ва Тожикистон олимпия терма жамоалари 1-2 ўрин-

ларни эгаллади. Турнир голиблгини кўлга киритган олимпиячиларимиз келгуси йилнинг январь ойида Таиландда ўтказиладиган қитъа биринчилигида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Осиё чемпионатида 1-4 ўринларни эгаллаган олимпия терма жамоалари эса Япония пойтахти Токиода уюштириладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини кўлга киритишади.

Биз ўзбекистонлик муҳлислар номидан Ўзбекистон олимпия терма жамоасига келгуси халқаро мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

МУРОСА ЙЎЛИ ТАНЛАНДИ

“Чигатой” спорт мажмуасида 18 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари учун ўқув-машғулот йиғини ташкиллаштирилган мухлисларга маълум.

Ўқув-машғулот йиғини доирасида Отабек Фуломжўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз “Локомотив” ёшлари билан назорат-ўртоқлик учрашуви-

да ўзаро куч синашди. Кизикарли, мурасасиз кечган баҳсда ўйин охирига қадар дарвозалар даҳлсизлиги сақлаб қолинди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Давлат божхона хизмати органлари томонидан республикаимиз ҳудудига товар-моддий бойликларнинг божхона чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб кирилишининг олдини олиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Шунга қарамай, айрим қўштирноқ ичидидаги тадбиркорлар томонидан товарларни божхона чегарасидан четлаб ўтиришга қўшничи бўлган уринишлар, бунинг учун эса турли хўйла-найранглари ишга солиш ҳолатлари ҳамон кўзага ташланмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ана шундай ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи жиний гуруҳнинг кирдиқорлари фош қилинди.

Қўшни давлатдан Тошкент вилояти божхона бошқармасининг “Яллама” чегара-божхона пости орқали республикаимизга кириб келган, қўшни давлат фуқароси бошқарувидида юк автотранспорт воситасига тегишли ҳужжатлар кўздан кечирилганида, божхона ходимларини шубҳаландирган айрим ҳижатлар намоён бўлди.

Ҳужжатларга кўра, республикаимиздан тўғри транзит тарзида ўтаётган мазкур юк автотранспорт воситасига ортилган юкларнинг инвой ҳужжатлари қаран-ки, 2 хил экан.

Уларнинг бири республикаимизга кириб келишда божхона органларига тақдим қилиш учун мўлжалланган бўлиб, унга кўра автотранспорт воситасига қиймати 17 миң АҚШ долларидан ошми бўлган 2482 донга телевизор ва 200 донга иссиқлик радиатори ортилгани қайд қилинган.

Аммо, чегарадан чиқиб кетиш давомида божхона органларига тақдим қилиниши лозим бўлган сохта инвойда эса иссиқлик радиаторлари 100 тага камайтириб

кўрсатилган, телевизорлар ўрнига эса кулчиликда қўлланиладиган материаллар, кўрга-тўшақлар ва турли йиловлар борлиги ақс этирилган.

Ҳужжатлардаги номиносифликларга оидлик киритиш мақсадида мазкур юк автотранспорт воситаси белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, унга 4 турдаги 2680 донга чет элда ишлаб чиқарилган телевизор ортилгани аниқланди. Уларнинг умумий қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 3 млрд. 816 млн. сўмини ташкил қилмоқда.

Демак, жиний гуруҳнинг хўйласига кўра республика ҳудудидан тўғри транзит тарзида ўтказилаётган мазкур телевизорлар аслида икки ҳудудда тушуриб қолдирилиши ва уларнинг ўрнига чиқиб кетишда бошқа товарлар ортилиши режалаштирилган.

Жиний гуруҳ аъзолари ушбу контрабанда мақсулотларини юртимиз ҳудудига тушуриб қолдириш режаси фош қилинишининг олдини олиш мақсадида божхона ходимларини пора эвазига оғдиришга ҳаракат қилишда ва божхона ходимларига 9 миң АҚШ долларини пора сифатида тақлиф қилишда. Аммо, уларнинг бу найранги ҳам наф бермади.

Хозирда мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, жиний гуруҳнинг қилган аъзоларини ҳам фош қилиш ва уларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш юзасидан тезкор тадбирлар давом эттирилмоқда.

Хусан БУЛГРИЕВ,
ДБК Ахборот хизмати бош инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

2018-2019 йиллар иситиш мавсумининг тугаганлиги сабабли ва Тошкент шаҳрида келгуси 2019 – 2020 йиллар иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида “TOSHISIQUVVATI” ДУК Шайхонтохур туманидаги Кичик автомобиль халқа йўли бўйича (سوبэк Генерал Узоқов кўчаси) М-4 ИМ-3 дан ИК-4-2-дан ИК-4-3-гача (Ду800) магистрал иссиқлик трассасининг эскирган участкасини қайта ётқизиш бўйича ишларни бажариш учун киришади.

Ишларни бажариш иссиқ сувнинг етказиб берилишини тўхтатмаган ҳолда 2019 йилнинг 27 март кунидан 2019 йилнинг 27 апрель кунига қадар ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу даврда ишларни бажариш давомида ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг эҳтиёткор ва диққатли бўлишлари талаб этилади.

“TOSHISIQUVVATI” ДУК етказилган нокулайликлар учун узор сўрайди ва вақтинчалик нокулайликларни тушунишини сўрайди.

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судларининг деярли 50 фоизга яқини сайёр суд тартибидида ўтказилмоқда. Мақсад нима? Мақсад биринчи навбатда судлар фаолиятининг очикчилигини таъминлаш бўлса, иккинчи навбатда бундан кенг аҳоли, айниқса, ёшлар тўғри хулоса чиқаришларини таъминлашга қаратилган.

Ана шундай сайёр судларнинг бири Чилонзор туманидаги 66-мактабда бўлиб ўтди.

Унда 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Ботир Жўраев (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг жиноят иши қўрилди. Суд мажлисида маълум бўлишига Б.Жўраев муқаддам бир неча жиноятлари билан судланган бўлишига қарамасдан тегишли хулоса чиқармаган.

У гийёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган. 2018 йил 30 октябрь кўни 130 донга “Трамадол Ланнахер” таблеткаларини қонунга хилоф равишда сақлагани аниқланган.

Суд-кўриш экспертизасининг хулосасига кўра, Ботирдан олинган дорилар психотроп моддалар қаторига кириши, умумий вазни 6,5 граммни ташкил қилиши аниқланган.

Умуман кейинги пайтда ёшлар ўртасида гийёвандлик моддаларига ружу қўйиш каби кўнгилсиз ҳолатлар кўпайиб учрамоқда. Бу эса барчани оғоҳликка қорлайди. Ёки яна бир мисол. 1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Дониёр Зоҳидов тақдирини ҳам Ботирникига ўйлаш. Уч фарзанднинг отаси Булган Дониёр ҳам гийёвандлик воситалари истеъмолига ружу қўйган.

У 2018 йил 22 ноябрь кўни кечки пайт ҳўққчи муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан Чилонзор тумани, 20-мавзесида жойлашган “Аъло” кафеда олдиди тўхтатилади. Унинг шахсига аниқлик киритиш мақсадида Чилонзор тумани ИИО ФМБ биносига олиб келиниб, ҳолислар иштирокида текширилганда, эғнидаги курт-қаснинг ўнг чўнтағида 100 донга “Трамадол Ланнахер” таблеткаларини қонунга хилоф равишда сақлагани аниқланган.

Савол туғилади бу шахсларнинг ота-онаси борми? Нима ишлар қилишдан хабари бўлганми? Вақтида фарзандининг ноҳўя ишлар билан шуғулланиб юришларини билиб, олдини олса уларнинг жиноят кўчасига киришининг олдини олинган бўларди.

Ваҳоланки, кўрилатган жиноят ишларининг аксариятини ёшлар, муқаддам жиноят содир этган, аҳоли бузуқ ўсимлар тартибда бўлиши мумкин. Сардор Каримов энди-гина 25 ёшда. Ойлали, бир нафар фарзанди бор. Уртоклари билан учрашувларда дорининг нашасини тотиб кўрган. Бора-бора унга ўрганиб қолган. Қонунга хилоф равишда гийёвандлик воситаларини олиб юрган, истеъмол қилган. Унинг эртага қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб ҳам кўрмаган.

Ўтказилаётган сайёр судларда маҳалла фаоллари, ёшларга жиноятнинг оқибатлари тушутирилмоқда. Албатта, юқорида номлари тилга олинган шахсларга суднинг қонуний жазоси таъминланди, жиноят жазосиз қолмади. Бироқ, кишини ташвишга соладиган жидати бу жиноятларнинг жамиятимизда учраётгани ачинарли ҳол.

Ота-оналар, маҳалла, кенг жамоатчилик фарзандларимизга эътиборли бўлайлик, уларни гийёвандлик балосидан асраб қолайлик.

Д.ДАДАХОНОВА,
Э.ТУРҒУНБОВЕВ,

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судьялари

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2343 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.00